

ЧЕТ ЭЛ ЭЛЕМЕНТИ БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН МУНОСАБАТЛАРДАГИ ДАВЛАТНИНГ ИШТИРОКИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Б.А.Сагатов

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг раиси

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсида иштирок этиши – очик турдаги иқтисодийётни барпо этишнинг асосларидан бирidir. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан олинishi, бозор иқтисодийётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни қарор топиши, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлашуви ва бошқа омилларнинг таъсири натижасида халқаро хусусий ҳуқуқни янги концептуал асосларда шакллантирилди.

Сўнгги йилларда давлатнинг халқаро савдо муносабатларидаги иштироки янги шаклларга эга бўлди ва сифат босқичига кўтарилди. Таъкидлаш лозимки, давлат бугунги кунда жаҳон товар, молия ва фонд бозорларида иштирок этувчи асосий субъектлардан бири ҳисобланади, миллий иқтисодий тизимни ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтлари, чет эл давлати компаниялари билан турли мазмундаги шартномавий муносабатларга киришади. Бир сўз билан айтганда, давлат чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос субъекти ҳисобланади. Шу сабабли мазкур мақола орқали халқаро хусусий ҳуқуқда давлатнинг субъект сифатида иштирокига алоҳида урғу берамиз.

Давлат турли хил ҳуқуқий муносабатларда, хусусан халқаро фуқаролик

муомаласида ҳам субъект сифатида иштирок этиши мумкин. Бундай муносабатларда давлат иштирокининг ўзига хослиги қуйидагилар билан белгиланади: суверен сифатида, олий ва мустақил ҳокимият эгаси ва хусусий шахс сифатида, хўжалик юритувчи субъект кўринишида ифода этади.

Давлат нафақат халқаро оммавий ҳуқуқнинг субъекти, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 79-моддасига кўра, давлат турли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тўла ҳуқуқли қатнашчиси бўлиб ҳам ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1178-моддасига асосан, давлатнинг чет эл элементли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиши кўзда тутилган, бу ҳолда давлат ўзининг суверенлигини тўлиқ равишда сақлаб қолади, яъни бутунлай мустақил бўлиб, бошқа давлатлар ва уларнинг органларига бўйсунмайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасига мувофиқ “Фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларнинг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади”¹ деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шу ўринда, ушбу қоида халқаро хусусий муносабатлар субъектларига ҳам тааллуқлими? - деган

¹ Х-А.Раҳмонқулов. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. Танланган асарлар тўплами I-жилд. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2025, – 486 б.

ўринли савол туғилиши мумкин. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 2-моддаси иккинчи қисмини келитириб ўтишимиз мумкин: “Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидалар чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга қўлланилади” деб кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳолатда давлатни субъект сифатидаги кўринишига мисол қилиб шуни кўрсатиш мумкин, масалан, ўз ваколатхоналари учун чет элда мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини олиб, чет эл юридик шахслари ва фуқаролари билан мулкый ҳарактердаги битимларни тузиб, чет элда очилган меросни қабул қилиб, давлат, шу билан бирга, ўз муносабатларини ҳеч бир хорижий давлат қонунга ёки юрисдикциясига бўйсундирмайди. Давлат чет эл элементли хусусий-ҳуқуқий муносабатларда қандай қатнашади?

Халқаро товарлар олди сотди шартномасида давлат ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Товарлар олди – сотди шартномаси халқаро савдо муомаласида ўзига хос аҳамиятга эга.

М.И.Брагинскийнинг таъкидлашича, фуқаролик ҳуқуқида бир бирига яқин бўлган ва энг кенг тарқалган соҳаларидан бири бу – товарлар олди сотдиси деб кўрсатади (масалан экспорт ва импорт муносабатлари)². Ушбу соҳадаги биринчи халқаро норматив ҳужжат 1980 йилда Венада қабул қилинган “Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаси тўғрисида”ги конвенциядир. Унда товарлар олди сотдисининг бир қанча турлари кўрсатиб

² Брагинский М.И. Участие советского государства в гражданско-правовых отношениях. – М: Инфра-М, 2017. – С.49-50.

ўтилган. Конвенциянинг умумий қоидаларида келиб чиқиб шунини айтиш мумкинки, ушбу конвенция нормалари диспозитив характерга эга. Конвенцияга мувофиқ, шартнома субъектлари, агар рози бўлсалар конвенциянинг қайси ҳолатларини қўллашни шартномада тузишда конкрет келтириб ўтишлари мумкин. Конвенцияда уни қўлланиш соҳаси аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра агар шартномалари (тарафлари) иштирокчилари турли мамлакатларда жойлашган бўлса ёки шартнома тузишда коллизия масалалар вужудга келиши мумкин, деб тахмин қилинган ҳолларда тарафлар ўртасидаги олди-сотди муносабатларига нисбатан конвенцион нормалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 631-моддасига биноан – пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан, маълум бир ишни бажариш ва унинг натижаларини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса, ишни натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда давлатни буюртмачи кўринишда, пудратчи сифатида эса ҳар қандай чет эл фирмалари ва юридик шахслари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодесининг 693-моддасига асосан, илмий текшириш ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (ижроочи) буюртмачи берган авзикада кўрастилган илмий текширишларни амалга ошириш, тажриба конструкторлик ва технология ишлари шартномаси бўйича эса-янги буюм намунасини унга тегишли конструкторлик

хужжатларини, янги техникани ишлаб чиқариш ёки намуна нусхасини тайёрлаш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу муносабатларда давлат номидан у ваколат берган орган ёки ташкилот иштирок этиши мумкин.

Давлат қонунга асосан мерос муносабатларнинг иштирокчи бўлиши мумкин. Давлат чет элда фуқаролик муомаласида унинг фуқароси вафотидан сўнг қолган эгасиз мол-мулкнинг вориси ёки васиятнома бўйича ворис сифатида қатнашиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1197-моддасига биноан мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танламаган бўлса, мерос қолдирувчининг васияти унинг охирги доимий турар жойидаги мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Масалан, Тожикистон Республикасида яшаб турган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотмаган ҳолда васиятномада ўзининг Тожикистонда жойлашган мол-мулкни шу давлатда қабул қилинган мерос ҳуқуқи қонунларига асосан ҳал қилинишини кўрсатган бўлса, мулк мероси шу васиятномада кўрсатилган давлат қонуни билан ҳал қилинади. Шунини таъкидлаб ўтиш мумкинки, фуқаро васиятнома билан ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танламаган бўлса, мерос мулкни тақсимлаш унинг охирги марта доимий яшаб турган давлатнинг ҳуқуқий тартиби билан белгиланади.

Пул билан боғлиқ мажбуриятларда давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий, инвестициялар ва савдо

вазирлиги ўз зиммасига мажбуриятларни олиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки халқаро молия ташкилотларининг авуарлари учун депозитарий ҳисобланади. Марказий банк бошқа давлатларнинг марказий ва миллий банкларида, халқаро банкларда ва бошқа молия-кредит ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган қонунининг 9-моддасида “Банклар давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банкларнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно” деб белгилаб қўйилган. Бундай ҳол ФКнинг 80-моддасида ҳам назарда тутилган. Агар давлат (Ўзбекистон) бошқа давлатлар билан ўзи тузган шартномага кўра юридик шахслар (банклар)нинг мажбуриятлари бўйича кафилликни ўз зиммасига олган бўлса аксинча, юридик шахслар (банклар) давлат мажбуриятлари бўйича кафилликни ўз зиммасига олган бўлса, улар бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

Давлат иштирокидаги деликт муносабатлар ҳам ўзига хосдир. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар мажбуриятлар турининг энг қадимгиси бўлиб, фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан биридир. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият бўлиб, унда жабрланувчи (кредитор) қарздордан (зарар етказувчидан) етказилган зарарнинг ўрнини маълум мулк ёки ашё билан тўлдиришни талаб қилиши ҳуқуқига эга. Ушбу мажбуриятларнинг вужудга келиши — деликт, яъни ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши ҳисобланади.

Муносабатларнинг қатнашчилари фуқаролар, юридик шахслар ва давлат ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1194-моддасида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан қўйидаги коллизия бoғланишлар назарда тутилган. Яъни зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар зарарни ундиришни талаб қилиш учун асос бўлган ҳараркат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади деган қоида мустаҳкамланган.

Маҳсулот тақсимо­тига оид битимларда ҳам давлат бевосита иштирок этади. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги “Маҳсулот тақсимо­тига оид битимлар тўғрисида”ги қонунинг 3-4-моддаларига мувофиқ, маҳсулот тақсимо­тига оид битим шартнома ҳисобланиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қабри участкасида конларни аниқлаш ҳамда шулар билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориши учун мутлоқ ҳуқуқлар беради, инвестор эса мазкур ишларни ўз маблағлари ҳисобига ва таваккал қилиб амалга ошириш мажбуриятини олади. Битимнинг тарафлари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси, унинг номидан битимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олишига ўз маблағларини, қарзга олган ёки жалб этган маблағларини (мол-мулк ва (ёки) мулк­ий ҳуқуқларни) киритаётган инвестор иштирок этади. Маҳсулот тақсимо­тига оид битим қоидага мувофиқ конкурс (аукцион) асосида

тузилади. Қазиб олинган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот давлат билан инвестор ўртасидаги битимга мувофиқ тақсимланади. Зеро бу битим (шартнома)нинг номидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарилган (олинган) маҳсулот тарафлар ўртасида тақсимланади. Бунда давлат компенсация маҳсулотини, шунингдек фойдага қолган маҳсулотнинг битим шартларига мувофиқ инвестор улуши ҳисобланувчи қисмини (у томонидан қилинган харажатлар қийматини қоплаш мақсадида) инвесторга мулк қилиб беради. Битим шартларига мувофиқ инвесторнинг мулкига ўтадиган маҳсулот ҳеч қандай чеклашларсиз Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши ёки инвестор томонидан ички бозорда битимда белгиланган шартлар ва тартибда реализация қилиниши мумкин.

Чет эл инвестициялар ташқи фуқаролик объекти сифатида давлат иқтисодиёти ривожланишида ва унинг жаҳон иқтисодий тизимида кўшилишида муҳим моддий манба бўлиб ҳисобланади. Бундай инвестициялар — чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ҳамда бошқа тажрибаларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2005 йил 11 апрелдаги 3594-сонли Фармони амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 2 августда қабул қилган қарори билан “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолати ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўллаш тартиби

тўғрисида”ги Низом қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари берилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаси тузилади ва бу шартнома кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 2019 йилда қабул қилинган қонуннинг 9-моддасига мувофиқ қуйидагилар инвестиция фаолиятининг субъектлари қуйидалар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, яқка тартибдаги тадбиркорлари ва юридик шахслари - резидентлари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, халқаро ташкилотлар ҳамда чет эллик юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар инвестиция фаолиятининг субъектларидир.

Фуқаролик муомаласида иштирок этувчи давлат ва юқорида келтирилган чет эллик инвесторларнинг барчаси хусусий ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Шунини айтиб ўтиш лозимки давлат, хорижий давлатлар ва уларнинг давлат органлари оммавий ҳуқуқ субъекти бўлишидан қатъи назар инвестиция шартномасининг тарафлари сифатида хусусий ҳуқуқ қоидаларига итоат этадилар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлат чет эл

инвестицияларини жалб этаётган Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, лекин бундай мажбуриятлар қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан кафолатланган ҳоллар бундан мустаснодир.

Хулоса ўрнида шуларни айтиш мумкинки, давлат чет эл элементи билан мураккаблашган мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар доирасида бошқа субъектлардан алоҳида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Х-А.Раҳмонкулов. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. Танланган асарлар тўплами I-жилд. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2025, – 486 б.
2. Брагинский М.И. Участие советского государства в гражданско-правовых отношениях. – М: Инфра-М, 2017. – С.49-50.